

ИЖОДКОРНИНГ БАДИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ МАҲОРАТИ (УСМОН ҚЎЧҚОР ЛИРИКАСИ МИСОЛИДА)

Насиба Норова Бахтиёровна ,
БухДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада ўзбек шеъриятининг йирик вакилларидан бири Усмон Қўчқор лирикасининг ўзига хослиги ва бунда бадиий санъаталарни қўллашдаги маҳорати масалалари тадқиқ этилган, шоирнинг маҳорати мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Бадиий санъатларни таҳлил қилиши асносида, ҳозирги ўзбек шериятининг ютуқлари, ижодкорнинг индивидуал услуги, қарашлари ҳам акс эттирилган. Таҳлилга тортилган мисралар Усмон Қўчқорнинг "Аксиз садолар", "Оғир карвон" шеърий тўпламларидан ўрин олган.

Калит сўзлар: шоир, лирика, кўчма маъно, бадиий санъат, истиора, ташбех, тазод, талмех, тажснис, аксиморон, муболага

КИРИШ

Кўп асрлик ўзбек шеърияти ҳозирда ҳам давр руҳини, замондошларга хос тугуларни акс эттиришда еткчилик қилмоқда. У ҳамон миллий адабиётимизнинг етакчи тури ҳисобланади. Ўтган асрнинг етмишинчи ва мустақиллик йилларида ўзбек шеъриятида янги овозлар, янги руҳият, янгича қарашлар пайдо бўлди. Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Икром Отамурод, Фарида Афрӯз, Муҳаммад Юсуф, Усмон Қўчқор, Зебо Мирзаева, Иқбол Мирзо...каби шоирлар ижодида олам ҳодисалари ва одамларнинг қалб ҳиссиётларини шоирона назар билан баҳолаш қўзга ташланди.

"Шеъриятимизга 70- йилларда кириб келган авлоднинг ижодий фаолияти узоқ вақт адабиётимизни ўз исканжасига олган мафкура тазиқидан бирмунча эркин тарзда бошланди ва 80-йиллар ўрталаридан бошлаб ундан, асосан, халос бўлиб борди. 70-йиллар авлоди юртимиздаги мавжуд ҳолат, ҳалқнинг фоже аҳволи, ўтмиш ва келажагига янгича назар солди. Шунинг натижасида бу авлод, сафларидан фарқли ўлароқ Ватан истиқболини коммунизм ғояси билан боғлиқ ҳолда кўрмади . Аксинча, у ғоя ўз умрини яшаб бўлганини, расмий мафкура шиорлари билан ҳақиқий ҳолат орасида тубсиз жар ҳосил бўлганини теран ҳис қилди ва шунинг натижасида юртнинг истиқболини истиқлол билан боғлиқ ҳолда тасаввур қила бошлади". [11,192]

Ватан, Истиқлол, Эрк ғоялари шеърларида Мустақилликнинг ilk наслари янғлиғ кириб келди. Истибодни тугаб, озодликка, истиқлолга эришишни орзу қилишиди. Чўлпонлар, Қодирийлар, Усмон Носирлар орзу қилган кунлар яқинлашаётганлиги баралла, баланд пардаларда куйланди. Бу мавзу ҳар бир ижодкорда турфа хил талқин қилинсада , бир маслак, бир ғоя, бир туйғу уларни бирлаштириб турди, у ҳам бўлса Истиқлол, Озодлик, Мустақиллик! Ижодкорлар қалами ана шу ғоялар ҳалқнинг онгига кириши учун чархланди.

Ўзбек шеъриятида ўз ўрнига эга, ўзигиа хос услуг бират олган ижодкорлар талайгина. Замондошларининг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, қарашлари, кечинмаларини поэтик тарзда тасвирлаш, уни сўз орқали ифодалаш, ижодкордан катта маҳорат талаб қиласди. Ўзига хос маҳорати билан ўтган асрнинг 70-йилларида шеъриятимизга кириб келган ижодкорлардан бири Усмон Кўчқордир. У 1953-йил Бухоро вилояти, Шоғиркон туманида дунёга келган. Тошкент Давлат Университети(ҳозирги УзМу)да таҳсил олган. Шоғиркондаги ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Шундан сўнг “Чўлпон” (1968-1989), “Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат” (1991-1997) ҳамда “Маънавият” (1997-2011) нашриётларида, “Ёшлиқ”, “Жаҳон адабиёти” журналларида фаолият олиб борди. “Хаяжонга кўмилган дунё”, “Уйқудаги минора”, “Аксисиз садолар”, “Оғир карвон”, каби шеърий тўпламлари, “Чамангул”(1989) эртак-достони, “Широқ” (1997) ривоят-достони “Қувғин” достони, “Имом Бухорий” шеърий драмалари чоп этилган. Шоир таржимон сифатида Озарбайжон ёзувчиларидан Сайид Имомиддин Насими, Ҳусайн Жовид, Юсуф Самад ўғли, Анор, Собир Рустамхонли, Ҳидоят каби адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Шоир “Мехнат шухрати” ордени(1997), “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони(1999) билан тақдирланган.

XX аср ўзбек шеъриятининг истеъододли вакилларидан бири Усмон Кўчқор услуби ўзига хос истиораларнинг қуюқ қўлланиши билан ажralиб туради. Шоир услубидаги бу ўзига хослик, бир тарафдан, Шарқ мумтоз шеърияти, халқона оҳанглар билан боғланса; иккинчи тарафдан эса, ижодкор томонидан амалга оширилган таржималарнинг таъсири билан изоҳланади.

АСОСИЙ ҚИСМ:

Адабиётда сўзларни ўз ва қўчма маъноларида қўллаш бир қанча бадиий санъатларни юзга келтиради. Истиора ўхшашик асосида маъно қўчиши демак. Истиорада сўз ўз маъносидан чекиниб, қўчма маънода қўлланади, бу кўчиш эса нарса-ходисалар ўртасидаги (предметнинг-предметга, белгининг-белгига, ҳаракатнинг-харакатга) ўхшашилиги асосида юз беради. “Истиоранинг маъноси бир нарсани ориятга олишдир ва бу санъатнинг моҳияти шундан иборат,-деб ёзган аллома ва шоир Рашидиддин Ватвот,-ҳар сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир...сўзни шу маъно нуқтай назаридан нақл қиласди ва бошқа бир ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатади. Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлади”. [2,78-80]

Бадиий адабиётда энг кўп қўлланадиган санъатлардан бири бу истиорадир. “Аксисиз садолар” шеърий тўпламига кирган шеърларнинг аксарияти таркибида хам кўплаб истиораларни учратиш мумкин:

Фалакларда чақнаб турсин ўт,
Қалдироқлар қалдираб турсин.
Йўлларинга сувсепсин булут
Йўлларингни шамол супурсин.[9,43]

Бу ўринда ўт сўзи осмонни ёритиб турган қуёш ёки ой маъносини ифодалаган. Адабиётшунос олима Лайло Шарипова ўт сўзининг бир нечта маъноларини

қуидагица ифодалайди: “Халқ құшиқларида ҳам, ёзма шеъриятда ҳам оловнинг барча турлари қўлланилади. Икки адабиётда ҳам олов образи, аввало, севги, оила, фарзанд маъносини баъзан бузғунчиликни англатади. Оғзаки шеъриятда унинг маънодоши “ўт” ишлатилиб, бирима ҳолида ишқ ўти тарзда қўлланилиши мумкин”. [6,133] Фалакда ўтнинг чақнаши, булутнинг сув сепиши, йўлларни супурги эмас шамол супуриши ҳаракатнинг бошқа бир ҳаракатга қўчиши асосида пайдо бўлган.

*Ижодкор деган хос мартаба йўқдир,
Ижод-қора меҳнат, аёвсиз меҳнат,
Истесъодод ижодни тутгувчи ўқдир,
Тагин сув-ҳаводек зарур ҳақиқат. [10,16]*

Ўзбек тилининг изоҳли” луғатида қора сўзининг ўндан ортиқ маънолари берилган. Шулардан кўчма маънода “ қора сўзи – умуман салбий белгини, салбий белгига эгаликни, ёмон маъноларини англатган”. [5,381] “Навоий сабоги”, “Бобур сабоги”, “Қодирий сабоги”, “Қаҳҳор сабоги”, “Охирги сабоғ” деган туркум шеърлар орасидан олинган ушбу сатрларда белгининг бошқа бир белгига қўчиши асосида истиора санъати юзага келтирган. Ҳар бир ижодкор учун ижод майдони машаққатлар қора меҳнатлар, аёвсиз меҳнатларга эгалигини айтиётган бўлса, бироқ бу машаққат-у меҳнатлар халқ маънавияти учун сув ва ҳаводек зарурлиги шу ўринда ажойиб ташбеҳларда ифодланган.

Агар образ хиралаша бошласа, истиора йўққа чиқиши мумкин, лекин улар ўрнини кўпинча янги истиора эгаллайди. Чунки, “Шеър кентайтирилган истиора” дир. Шу сабабдан ҳам шоир образдаги тасвир ва таъсирчанликни сусайтирмаслик учун ҳар бир мисранининг ўзида бир нечта истиоралардан фойдалангани ҳолда шеърдаги характер ҳамда ҳолатларни атрофлича изоҳлашга эришади”. [5,52]

*Ўнга боссанг – янтоқдир,
Сўлинг қийоқ севгилим,
Ёлғиз оёқ бу йўлда
Ёлғиз оёқ севгилим,
Елкасида соchlari
Майдада тароқ севгилим
Қийогини ўргали
Топмас ўроқ севгилим.*

Шеърда табиатнинг ҳар бир унсури жонлантирилган. Тонг – эринчоқ, чунки туманлар ичida зўрга ёришади; қийоқ (ингичка, узун-узун, кескир баргли кўп йиллик ўт) – йиғлайди – япроқлари тонгги шудринларга ғарқ, чечаклар жилмайади – тонгги куёш ёғдулари туфайли тонг сўлғинлигини йўқотади, гийоҳлар чўмилади – шамолда чўмилганлик ҳаракати билан тебранади. Буларнинг барчаси бир бўлиб, тонгнинг ўйгониш палласи эканлигини англатади. Гийоҳларнинг шамолда чўмилиши эса жуда оҳори топилма. Зеро, майин тонгги шабадада тўлқинланиб ётган гийоҳлар чиндан ҳам денгизни эслатади. Шу ўринда юқорида айтганимиздек, қийоқнинг ингичка япроқлари, лирик қаҳрамон севгилисининг майда тарам соchlарига қиёсланади.

У.Кўчқор шеърларида зид маъноли сўзларнинг ҳам ўзига хос қўлланганини кўриш мумкин. Бадиий адабиётда бу тазод санъатини юзага келтиришини ҳаммамиз яхши биламиз. “Тазод (араб.қаршилантириш) – бир-бирига зид тушунчаларни ифода этувчи сўзларни маълум бир эстетик мақсадда бир-бирига боғлаб ишлатиш усули. Аллома ва шоир Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий ўзининг “Фунунну-л-балоға” асарида “тазодни” “Ал-мутазод” [1,380] деб номлаганни ҳақида маълумотлар етиб келган. Бунинг ёрқин наъмуналарини қўйидаги мисраларда кўришимиз мумкин:

Навоийда неки сабоқ ўқидим,

Бу дунёда қаро недур, не оқ ўқидим.[10,13]

Халқ қўшиқларида қора сифатлаши ҳам кенг қўлланилади. Маълумки, қора ранг жуда қадимдан ёвузлик, ўлим, даҳшатлар, ер ости дунёси, омадсизлик, азоб-уқубат, баҳтсизлик, беморлик, сехр-жоду, тун, қоронғулик, қалб сири, куч-кудрат, кўрқув ва ҳаяжон, яширин ва номаълум воқеа-ҳодисалар тимсоли сифатида идрок этиб келинган. Аммо қора ранг воситасида акс этган тимсолларда ҳам ижобий, ҳам салбий экспрессив бўёқдорлик ифодалаганини кузатиш мумкин.” [4,178]

“Авесто”да оқ ранг- ёруғлик ва эзгулик тимсоли сифатида кўрсатилдган. Шунингдек, ўзбек халқ мотам қўшиқларида оқ ранг ўлим ва йўқлик сифатида талқин қилинади”. [7,120]

Сўз мулкининг султони Ҳазрат Навоий қора рангни ижобий маънода талқин қиласидар. Адабиётшунос И.Ҳаққулов қора рангнинг ижобий сифатловчилик хусусиятларини Навоий ижоди мисолида ўрганар экан, қора рангнинг муқаддаслиги тушунчаси, “қадимдан, яъни турклардаги “Қорабош туғ”, “Сияхпўшлар” каби ушбу ранг билан боғлиқ эътиқодларда наъмоён бўлганлигини ва Аббосийлар халфасининг байроғи ҳам қора рангда бўлиб, бу ранг уларнинг хусусий ранги саналганлигини билдириб ўтади. Шунингдек, Навоий бу рангни – муборак ранг”[12,18] деб алқаганини таъкидлайди.

Навоийга бағишлиб ёзилган ушбу мисраларда: умри давомида ҳирс-у ҳавасга берилмагани, Самарқандга бориб илм ўрганганлиги, шаҳаншоҳ дўсти тортиқ қилган мартабалардан мағурурланиб кетмагани, туркий тил қудратини асарлари орқали намоён этганлиги оқ ва қора ранглар миқёсида изоҳланади. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек: “Ҳар бир ашё ўзининг зиди билан аён бўлади”. Демак, ушбу мисраларда оқ ва қора сўzlари тазод санъатини юзага келтиряпти. Юқоридаги олимларнинг фикрларидан хулоса қиласиган бўлсак, оқ ва қора рангалар ҳамма вақт бир-бирига нисбатан анти позитсяда қўлланавермайди. Бу рангларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий маънолар англата олиши илмий тадқиқотлар орқали асослаб берилган.

Усмон Кўчқор шеърларидаги услубнинг соддалиги, тилининг равонлиги, ижодини халқа етказадиган муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Шоир шеърларида поэтик унсурлардан ҳам унумли фойдалана олганки, бу ижодидаги образлиликни ёрқин, аниқ тасвиirlарда кузатиша бевосита кўмак беради.

Энди ортиқ гамдан сўйлама,

Қайгудан сўз очма, Гулойим,

*Мен бахтсизни зинҳор ўйлама,
Сен баҳтиёр бўлгин илоим.*

Ошиқнинг вафодорлиги, мардлиги, ҳақиқий ва соф севги соҳиби эканлиги баҳтсиз ва баҳтиёр сўзлари биргина тазод санъатини юзага келтиради.“Тазод шеъриятда ҳам, насрда ҳам, драмада ҳам қўлланаверади. Бу санъат фақат ўтмиш адабиётидагина эмас, ҳозирги адабиётимизда ҳам кенг қўлланилмоқда.”

*Дунёни сен рост деб айтдинг,
Асли дунё рост эмас,
Кўрганинг паст-у баландлар
Зинҳор баланд-у паст эмас.*

Оқ оқ эмас, баланд баланд эмас, келди келмади тилшунослик нуқтаи назаридан антонимликни юзага келтирмайди, бироқ адабиётшуносликда тазод санъатини шакллантиради. Шоир бу омонат дунёниг ўткинчилигидан сўз очиб, бир шеърнинг ўзида баланд-паст, дўст-ағёр, кам-кўп, ёлғон-рост каби сўзларни қўллаб, тазоднининг ажойиб намуналарини яратадиган.

*Гоҳ ишиондим,гоҳо тондим,
Гоҳо йиғлаб,гоҳ қувондим.
Бу ишиқда мен андоқ ёндим,
Тутуним йўқ, кулим бўлмас.*

Ишқ ўти, ишқда ёнмоқ бирикмаларини юқорида ҳам қўлладик. Усмон Кўчқорнинг поэтик маҳорати шундаки, ёнган жисмдан, албатта, тутун чиқади, тутун бутун борлиққа ёйилса ҳам охир-оқибат кулга айланади. Бир-бирига муносиб, мутаносиб бўлган, ёнмоқ, тутун ва кул сўзлари тўртлик мисраларида қўллаб, таносиб санъатини юзага келтирган, бу эса тўртликка ўзгача бадиий жозиба баҳш этиб турибди.

*Ватан эрки йўлимдирким,
Ўларман бу йўлда бир кун.
Бу шундайин ўлимдирким,
Бундан ширин ўлим бўлмас.*

Мумтоз шеъриятимизда бўлгани каби, замонавий шеъриятимизда ҳам аксиморон санъатининг ажойиб намунасини келтирган. Бу мисрадаги “ширин ўлим” бирикмаси ҳам лирик қаҳрамон туйғуларини очиб беришга хизмат қилган. Усмон Кўчқорнинг ижодий тажрибаси шуни кўрсатадики, эстетик йўналишларнинг хилма-хиллиги, фалсафий-бадиий умумлашмаларнинг теранлиги ва турфалиги шеърий санъатни ҳаётга яқинлаштиради.

“Тушов узган от” шеърига қарайлик:

*Кенг яйловда ўтлар эди от,
Бир қичқириб оромин бузди.
Оёгини кўтарди азот,
Шиддат билан тушиовни узди.
Чўпон сапчиб турди ўрнидан,*

Қаны отга келолса яқин!

Пиширди ўт чиқди бурнидан,

Туёғидан чақнади чақин.

“Тушов узган от”даги от оддий отлардан эмас. Бу от афсонавий Ғирот, яъни Гурӯғлининг отидек, яйловда ўтлаб юриб, бир қичкириқдан унинг ороми бузулди. Оёгини даст кўтариб, шиддат билан тушовни узиб ташлади. Чўпон бу ҳолатни кўриб ханг-у манг бўлиб ўрнидан туриб кетди. Аммо қани энди отга яқин келолса. От шундай бир қичкирдики, бурнидан ўт, туёғидан олов чақнаб кетди. Нима учун от бундай ғазабда?

Сарбастликнинг сармасст дунёси

Оғушига олар экан, от –

Ғирот деган номга муносиб –

Елкасидан чиқарди қанот.

Халқ оғизаки ижодидаги образ ва мотивларга замонавий ўзбек шеъриятида ҳам кўп бор мурожаат қилинади. От образи ҳам ана шундай образлар сирасига киради. “Ғирот, Ғиркўк – “Гўрӯғли” туркуми достонларидағи афсонавий образ. Достонларда тасвирланишича Гўрӯғлини эмизган байтал билан Хуросон кўлидан чиқиб келган айғирдан урғочи қулун туғилади. Гўрӯғли бу қулунни тарбиялаб войага етказади ва уч яшар бўлгач, Райхон арабнинг тулпоридан насл олади. Ғиркўк - фантастик услубда яратилган образ. У гапга тушунади, зарур пайтда қаҳрамон (Гўрӯғли)га йўл-йўриқ кўрсатади, эҳтиёт қиласи, душманлардан огохлантиради. Қаҳрамон бошига кулфат тушса, ачинади, йиғлайди, эгасини бехатар ерга етади, кўриқлайди, у асирга тушиб қолса, элга хабар беради.” Ушбу шеърда тасвирланаётган Ғиротга қиёсланаётган от симосида адолатсизликка, зулумга чидай олмайдиган халқпарвар инсон гавдаланади. “Гўрӯғли” туркуми достонларининг қаҳрамонлари Гўрӯғли, Аваз номини қўлланиши, достон куйловчи бахши Эргаш Жуманбулбул тилга олиниши, талмех санъатини юзага келтирияпти.

Бу Гўрӯғли экан-ку ва ё

Бу-ку ҳали ёш бола – Аваз –

Энди отни ортига ҳатто

Жуманбулбул қайтара олмас.

Отнинг бурнидан ўт чиқиши, туёқларидан олов чақнаши, елкасидан қанот чиқариши, ханжардек қўлоқлари, хамирдан оғир ҳавони кесиб ўтиши - бу ҳолатларни шоир муболаганинг ғулу тури билан тасвирлайди. Эрксизликдан дили вайрон от тимсолида, истиқлол соғинчи, озодлик рухи етакчиликги шеърда акс этади.

Шуни таъкидлаш керакки, бадиий санъатларнинг шеърий асарларда қўлланиши асрлар давомида ўрганилиб келинган. “Бадиий санъатларни системалаштириб, уларни чуқур илмий таҳлил қилишга бағишиланган асарлар илк бор араб кейинчалик форс-тожик ва туркий адабиётда пайдо бўлган”, [3,53]- деган қарашлар мавжуд адабиётшуносликда. Бадиий санъатлар шеърнинг поэтик қимматини оширади, эстетик таъсирни кучайтиради.

Усмон Кўчкор шеърлари кишин ўйга толдиради, изтиробга солади, руҳий оғриқларга дучор қиласди. Шоир шеъриятида оддий сўзлашувдаги сўз ва шакллар адабий тил билан, юксак бадиий лексика билан ёнмаён яшайди. У ўз шеърларида ўзбек тилининг хилмахил, кўпчиликнинг нигоҳи тушмаган имкониятларини намойиш этади. Шоир учун бадиий фикргина эмас, унинг лисоний ифода плани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. обоев Т. Адабиётшунослик асослари.Т.: Ўзбекистон нашриёти . 2002. – В. 380
2. уродий Т. Истиора. //ЎТА.- Тошкент,1972-йил,6-сон 78-80- бет
3. килов М,Абдураҳмонов А// ЎТА. –Тошкент,1990-йил, 5-сон. 53- бет
4. ўзиева М.Ўзбек фолклорида ранг символикаси. Тошкент: – Фан , 2016. – Б.178
5. абридинов А. Ойбек шеърларида истиора ва образ //ЎТА.- Тошкент,1989-йил, 5-сон. 52- бет
6. арипова Л.Шеърият ва фолклор. Тошкент: Наврӯз, 2019. – Б.133
7. раева Д. Ўзбек мотам маросим фолклори.- Тошкент: Фан, 2004. – Б.120
8. збек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ нашриёти. 2008. – 274, 381-б.
9. Кўчкоров У.Акссиз садолар. – Тошкент:Фофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б.43
10. ўчкоров У.Оғир карвон. – Тошкент: Фофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.16,13
11. амдам У. Янги ўзбек шеърияти. –Тошкент: Адаб, 2012. – Б. 192
- 12.Ҳаққулов И.Яна қора ранг талқини ҳақида// ЎТА. – Тошкент, 2001-йил, 3-сон. 18- бет
12. нтернет маълумотлари.Google.uz.
- 13.Darmon, Uraeva, Rajabova Rano, and Rajabov Dilshod. "The stylization of prose tales in Uzbek children's literature." *Religación: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades* 4.18 (2019): 170-174.

- 14.Rajabova, Rano. "Ўзбек Болалар Адабиётида Фольклор Жанрлари Стилизацияси." Центр научных публикаций (*buxdu.uz*) 8.8 (2021).
- 15.Rajabova, Rano. "Адабий топишмоқларда халқ топишмоқларига хос жанрий белгиларнинг ифодаси." Центр научных публикаций (*buxdu.uz*) 3.3 (2021).
- 16.Raxmatovna, Torayeva Umriniso, and Rajabova Rano Zaripovna. "Study of Begali Kasimov's Activity in Literary Studies and Scientific Biography of the Scientist." *Journal of Survey in Fisheries Sciences* 10.2S (2023): 3454-3459.
- 17.Rajabov, Dilshod Zaripovich. "Radif in uzbek folk songs." *Theoretical & Applied Science* 10 (2018): 316-318.
- 18.Juraev, Mamatkul, Dilshod Rajabov, and Shahodatbonu Imomnazarova. "WEDDING SONG GENRE IN THE CEREMONY LYRICS OF THE CENTRAL ASIAN TURKISH PEOPLES." *Theoretical & Applied Science* 7 (2020): 467-473.
- 19.Rajabov, Dilshod Zaripovich. "O'ZBEK XALQ QO'SHIQLARIDA RADIFNING IFODA SHAKLLARI." *Konferensiylar | Conferences*. Vol. 1. No. 4. 2024.
- 20.Ahmadovich H. S., Muminovna M. M. About Nisoriy Bobur And Humoyun //NVEO-NATURAL VOLATILES & ESSENTIAL OILS Journal| NVEO. – 2021. – C. 4753-4767.
- 21.Muhammadova M. HUMOYUN MIRZO NISORIY TALQINIDA: Mahbuba Muhammadova Termiz davlat universitetining mustaqil izlanuvchisi //Научно-практическая конференция. – 2021.
22. Mahbuba M. Nisoriyning" Muzakkiri ahbob" tazkirasida ayrim janr va badiiy san'atlar xususiyati //Karabük-2020.
23. Mo'minovna M. M. SECTION: HISTORY SCIENCE //POLISH SCIENCE JOURNAL. – 2019. – C. 29.
24. Mo'minovna M. M. NISORIY DO 'ST MUHAMMAD SULTON VA UNING IJODKOR SIFATIDAGI QIRRALARI HAQIDA //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – T. 3. – №. 29. – C. 348-350.
- 25.Makhbuba M. Muzakkiri Ahbob" Fable By Nisari And Its Role In Literature Studies //European Journal of Business and Social Sciences. – 2019. – T. 7. – №. 10. – C. 111-116.
- 26.Sanobar A., Mahbuba M. O'LMAS UMARBEKOVNING"ODAM BO'LISH QIYIN"ASARINING BADIY TAHLILI //ZAMONAVIY TA'LIMDA FAN VA INNOVATSION TADQIQOTLAR JURNALI. – 2024. – T. 2. – №. 1. – C. 74-80.
- 27.Latipov H. R. ALISHER NAVOI ON LOVE, ENLIGHTENMENT AND AWARENESS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – C. 551-556.
28. Ramazonovich L. H. Souls striving to god or from the world of wise people //Journal of Social Sciences and Humanities Research. – 2018. – T. 6. – №. 04. – C. 14-18.
29. Ramazonovich L. H. Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs //International Journal of Formal Education. – 2024. – T. 3. – №. 4. – C. 20-28.
30. Baxtiyorovna, N. N. , & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>

31. Ramazonovich, L. H. . (2024). Symbolism, Allusion and Essence in the Work of Turkigoi Songs. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 20–28. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2474>
32. Norova N. Principal Directions of Studying the Problem of Style in Literature (on the Example of U. Kochkor's Lyrics) //JournalNX. – С. 913-915.
33. Norova N., Nigina M. OMON MATJON SHE'RLARIDA QUSHLAR TIMSOLI //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2023. – Т. 13. – №. 3. – С. 27-30.
34. Nasiba N. UDC: 821.512. 133 TRADITION AND INNOVATION IN USMON KUCHKOR'S POEMS //SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY. – С. 100.
35. Norova N. B. Creative abilities of the artist in the application of the art (on the example of the lyrics of osman kochkar) //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 214-221.
36. Norova N. Artistic skills in Usmon Kuchkor poetry //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2022. – Т. 15. – №. 15.
37. Bakhtiyorovna N. N. CREATIVE ABILITIES OF THE ARTIST IN THE APPLICATION OF THE ART (ON THE EXAMPLE OF THE LYRICS OF OSMAN KOCHKAR).
38. Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK HAMDAM'S NOVEL" FATHER.
39. Norova N. УСМОН ҚЎЧҚОР УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ "ЛАЗИЖОН МАРСИЯСИ" ШЕЪРИ ХУСУСИДА: УСМОН ҚЎЧҚОРНИНГ "ЛАЗИЖОН МАРСИЯСИ" ШЕЪРИ ХУСУСИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.
40. Norova N. ҲОЗИРГИ ШЕЪРИЯТДАГИ ПОЭТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ҲАҚИДА //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 16. – №. 16.
41. Norova N. Usmon Qo 'chqor lirikasidagi obrazlar turkumi //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
42. Baxtiyorovna N. N. USMON QOCHQOR LIRIKASIDA MUHABBAT MAVZUSINING TALQINI: DOI: 10.53885/edinres. 2021.71. 75.119
43. Norova Nasiba Baxtiyorovna, BuxDU Ozbek tili va adabiyoti kafedrasи doktoranti (Ozbekiston) //Научно-практическая конференция. – 2021.
44. Норова Н. Б. УСМОН ҚЎЧҚОР ШЕЪРИЯТИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ ТАЛҚИНИ: Норова Насиба Бахтиёровна, Бух ДУ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси,(PhD) //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2023. – №. 1.
45. Baxtiyorovna, N. N. ., & Latipov, H. R. . (2024). Expression of Common Ideas and Images in the Creations of Navoy and Pushkin. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 46–53. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/2479>

- 46.Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.
- 47.Norova N. The Subject of Bukhara in the Poems of Osman Kochkar //Best Journal of Innovation in Science, Research and Development. – 2024. – Т. 3. – №. 3. – С. 858-863.
- 48.Umurova N. INTERPRETATION OF HIS IDEAS IN THE WORK OF AHMAD YASSAVIY //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. C10. – С. 45-49
- 49.Raximovna U. N. TASAVVUF TA'LIMOTI VA G 'ARB ADABIYOTI //Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. – 2023. – С. 117-119.
- 50.Raximovna, Umurova Nigina. “Beshinchi tog” asarida Sharq falsafasi. Ethiopian International Multidisciplinary Research Conferences. 2023.
- 51.Umurova N., Samadova S. Oriental Motives on “The Fifth Mountain” By Paulo Coelho //International Engineering Journal For Research & Development. – 2020. – Т. 5. – №. 2.
- 52.Umurova N. “IQRORNOMA” VA ISLOM FALSAFASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2023. – Т. 41. – №. 41.
- 53.Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
- 54.Sharipova L. BOLALAR ADABIYOTINING NOZIKTA'В ZARSHUNOSI //Konferensiyalar| Conferences. – 2024. – Т. 1. – №. 4. – С. 67-70.
- 55.Шарипова Л., Низомова К. ЎЗИГА ХОС ШЕЪРИЯТ //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 19-21.
- 56.Sharipova L. F. Literary riddles //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 10. – С. 342-346.
- 57.Sharipova L. Замонавий шеъриятда ёмғир образи //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
- 58.Шарипова Л. БОҚИЙ МАВЗУДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР: Шарипова Лайло, ф. ф. д., ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, Бухоро давлат университети //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 5. – С. 52-56.
- 59.Sharipova L., Boboxo'Jayeva L. A. XALQ OG 'ZAKI IJODINING USMON AZIM IJODIGA TA'SIRI MASALASI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 948-952.
- 60.Sharipova L. ALISHER NAVOIY IJODIDA LUG 'Z //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. Conference Proceedings 1. – С. 387-391.
- 61.Sharipova L. Literary yor-yor //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 4. – С. 218-222.
- 62.Sharipova L. XX asrning 70-80-yillari o 'zbek she'riyatida folklorizm //Toshkent: Fan. – 2011. – Т. 153.